



12.12.2022 даги

“BAXRIDDINOV ABROR QURILISH” MCHJ ва Кушработ туман Тиббиёт бирлашмаси ўртасида
30500000,00 сўм умумий суммага тузилган 2046-7-97-ТВ/2022 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 054
Шахсий ғазна ҳисобварақ 401722860182167073101054002

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь	30 500 000,00			30 500 000,00
Жами йил бўйича	30 500 000,00			30 500 000,00

Жами 30500000,00 сўм

Ўттиз миллион беш юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 9150000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
% ***2022 й. Февраль ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Шамсиев Улугбек Н.

Ф.И.Ш.

(имзо)

Маматов Нурбек А.

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

**Қўшработ туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли Оқчопсой маҳалласи Пастки Оқчопсой қишлоғида
тиббиёт контейнерини жорий таъмирлаш учун 16.12.2022 йил лот № 201133
ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШГА ОИД
ШАРТНОМА**

12«12»2022yil.

2046-7-97-ТВ/2022-son

“**BAXRIDDINOV AVROR QURILISH**” МСНҲ номидан директор **А.Бахриддинов** Устав асосида фаолият юрүтувчи бундан буён “Бажарувчи” деб аталувчи бир томондан ва **Қўшработ туман Тиббиёт бирлашмаси** номидан раҳбар **У.Н.Шамсиев** Низоми асосида иш юрүтувчи бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи иккинчи томондан куйдагилар хақида шартнома тузилди:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома буйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га **Қўшработ туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли Оқчопсой маҳалласи Пастки Оқчопсой қишлоғида тиббиёт контейнерини жорий таъмирлаш учун** ишларини бажариш (кейинги ўринларда - “Ишлар” деб юритилади) “Буюртмачи” ушбу “Ишлар”ни қабул қилиб олиб қийматини пулларини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Ишлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Шартноманинг суммаси	Шартномада курсатилган ишларнинг умумий қиймати
1	Қўшработ туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли Оқчопсой маҳалласи Пастки Оқчопсой қишлоғида тиббиёт контейнерини жорий таъмирлаш учун	30 500 000	30 500 000
	Жами:	30 500 000	30 500 000

1.3. Шартноманинг умумий суммаси **30 500 000 (Уттиз миллион беш юз минг)** сумми ташкил қилади

1.5. Ишни бошлаши шартнома имзоланганда тугаши «__» _____ 2022 йил

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи” дан “Ишлар” “Буюртмачи” нинг ҳисобига **Қўшработ туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли Оқчопсой маҳалласи Пастки Оқчопсой қишлоғида тиббиёт контейнерини жорий таъмирлаш учун** харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Ишлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган “Ишлар” кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган “Ишлар” шунга ўхшаш “Ишлар” билан алмаштирилишини;

- “Ишлар”нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. “Ишлар”ни 2021 йилда бюджет маблаглари доирасида «Бажарувчи» билан шартномага тузиш;

2.2.2. Уз буюртманомаси буйича бажарилган «Ишлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.2. «Ишлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх буйича, бажарилган ишлар буйича пулларни тулаб бориш, ишни тулик бажарилгандан сунг қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлимидан рўйхатидан ўтказгандан сунг 20 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган “Ишлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бажарилган ишлари буйича пулларни ва ишни тулик бажарилгандан сунг қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Ишлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. “Буюртмачи”га “Ишлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар “Ишлар”ни бажариш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Томонлар уртасида мазкур шартноманинг баҳоси **30 500 000 (Уттиз миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан тулов миқдори 30% ни ташкил қилади, қолган 70% ни бажарилган «Ишлар» ҳисоб-фактураси олрақли туловлар асосида тулаб боради ва қабул қилиш – топшириш далолатномаси тузилгандан сунг шартномани 2.2.3. бандига асосан газначилик бошқармаси рўйхатдан утказилгандан сунг 20 кун мобойнида тулик тулайди.
- 3.3. Бажариладиган ишлар(хизматлар) учун пул кучириш йули билан накт пулсиз тартибда ҳисоб –китоб қилинади.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафттарини юритади.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан ногўғри аниқланиши, уларнинг қиймати ногўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажминини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига ногўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида махсус ҳисобракамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг ҳагги-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контракция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контракция шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.
- 5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.
- 5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Мазкур шартнома **2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.**
- 7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтагилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сунг қонуний кучга киради.

9. Коррупцияга қарши шарт

9.1. -Томонлар, уларнинг аффилиган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характериға эға бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишға бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизлиларини содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг аффилиган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилиға хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти -ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашға қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

9.2. Томонда ушбу Шартноманинғ 10.1.-бандағи талабларни бузиш содир этганлиғи ёки содир этилиши мумкинлиғи тўғрисидағи шубҳалар юзаға келган ҳолда, теғишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидағи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиғи фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдағи қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.


10.2. Мазкур шартномаға ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади ва Қўшработ туман Ғазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сунг қонуний кучға киради. Шартноманинғ барча нусхалари тенг юридик кучға эғадир.

10.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»	«Бўйортмачи»
<p>“BAXRIDDINOV ABROR QURILISH” MCHJ Каттақўрғон тумани Мундиён МФЙ х/р: 20208000305593646001 ИНН: 310065104 ОКОНХ: МФО: 00313 Агробанк Қўшработ ФЛ</p> <p>Рахбар: _____ А.Баҳриддинов</p>	<p>Қўшработ туман Тиббиёт бирлашмаси Манзили: Қўшработ т.Ғ.Фуллом кучаси 59-уй ш\хв: 401722860182167073101054002 СТИР 200750669 ОКОНХ 91511 Қўшработ туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси Ғазна х/в 23402000300100001010 Тош Ш МБ ХККМ ББ МФО 00014 ОКОНХ 97160 Ғазначилик бошқармаси СТИР н 206919238</p> <p>Рахбар : _____ У.Н.Шамсиев.</p>

<p>Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.</p>	
	<p>Imzolovchi F.I.SH. ULUG'BEK SHAMSIYEV NAJMIDDINOVICH</p>
	<p>Imzolangan sana 12.12.2022 14:10</p>
	<p>Hujjat kodi JR4873335476</p>
	<p>Hulosa kodi FK7312406244</p>

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

FK7312406244

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Qo‘shrabot tuman Tibbiyot birlashmasiga qarashli Oqchopsoy maxallasi Pastki Oqchopsoy qishlog‘ida tibbiyot konteynerini joriy ta‘mirlash uchun (30 500 000 so‘mlik)
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot: QO'SHRABOT TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI tomonidan 07.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qo‘shrabot tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



S.A.RAXMONBERDIYEV

12.12.2022



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI
SAMARQAND VILOYATI
DAVLAT SOLIQ BOSHQARMASI**

140103, Samarqand shahri, Gagarin ko'chasi, 85-A uy.
Tel:(66)234-06-16; Faks:(66)234- 42-36 samarqand@soliq.uz

2022 yil "5" dekabr

**"BAXRIDDINOV ABROR QURILISH"
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT**
rahbariga
STIR:310065104

XABARNOMA

O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining 237-moddasi va 461-moddasida ko'rsatilgan talablariga muvofiq qo'shilgan qiymat solig'i to'lovchisi bo'lgan shaxslar belgilangan.


Avtomatlashtirilgan tizim tahlili yakuniga ko'ra, Siz rahbarlik qilayotgan korxonaga quyidagi mezoniga asosan 05.12.2022 yildan QQS to'lovchisi hisoblanishi ma'lum qilinadi:

Yangi tashkil etilgan yuridik shaxslar tomonidan davlat ro'yxatidan o'tkazish chog'ida QQS va foyda solig'i to'lash soliq rejimi tanlangan.

Yuqoridagilarga asosan, qo'shilgan qiymat solig'i to'lovchisi sifatida maxsus ro'yxatdan o'tish uchun my3.soliq.uz saytidan elektron ariza yuborish hamda qo'shilgan qiymat solig'i va foyda solig'i bo'yicha majburiyatlarni bajarish lozimligi ma'lum qilinadi.

Bu muhim! Soliq kodeksining 266-moddasi va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 22 sentyabrdagi 595-son qarori bilan Nizomning 5-bandiga asosan, soliq organlarida maxsus ro'yxatdan o'tmagan qo'shilgan qiymat solig'i to'lovchilari ***qo'shilgan qiymat solig'ini uni hisobga olish huquqisiz to'laydi.***

Shuningdek, Soliq kodeksining 219-moddasiga muvofiq, qo'shilgan qiymat solig'i to'lovchisi sifatida soliq organlarida hisobga qo'yishning belgilangan tartibi soliq to'lovchi tomonidan buzilganda, soliq to'g'risidagi qonun hujjatlarida nazarda tutilgan hisobga qo'yish sanasidan haqiqatda hisobga qo'yilgan sanagacha bo'lgan davrda olgan daromadining besh foizi miqdorida, lekin besh million so'mdan kam bo'lmagan miqdorda jarima solishga sabab bo'ladi.



Davlat soliq xizmati – insofli soliq to'lovchilarning ishonchli hamkori!